

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ  
МАРКАЗИ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БЎЙРУҒИ

**582** Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 31 октябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2520*

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сонли қарори билан тасдиқланган Таълим муассасаларининг қўшимча тўловлар белгиланган педагог ходимлари лавозимлари рўйхати, мазкур тўловларнинг турлари ва миқдорларининг 3-бандига асосан **бюраман**:

1. Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Директор**

**Б. ИСМАИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 10 октябрь,  
01-339-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат  
тест маркази директорининг 2013 йил  
10 октябрдаги 01-339-сонли буйруғига  
ИЛОВА

**Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 декабрдаги ПҚ-1875-сонли «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сонли қарори билан тасдиқланган Таълим муассасаларининг қўшимча тўловлар белгиланган педагог ходимла-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й.*

ри лавозимлари рўйхати, мазкур тўловларнинг турлари ва миқдорларига мувофиқ, таълим муассасаларининг чет тиллар, хорижий филология, чет тили ва таржима йўналишларининг касбий ва махсус фанлари профессор-ўқитувчилари ва ўқитувчиларининг (бундан буён матнда ўқитувчилар деб юритилади) базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини (бундан буён матнда тест синовлари деб юритилади) ўтказиш тартибини белгилайди.

### **I боб. Умумий қоидалар**

1. Тест синовлари ўқитувчиларнинг чет тилидан малака ва уни билиш даражасини аниқлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан буён матнда Давлат тест маркази деб юритилади) томонидан ўтказилади.

2. Тест синовларини ўтказиш бўйича харажатлар Давлат тест марказининг харажатлар сметасида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

### **II боб. Тест синовлари топшириқларининг тузилиши**

3. Тест синовлари топшириқлари Давлат тест маркази томонидан давлат таълим стандартлари асосида ишлаб чиқилади.

4. Тест синовлари топшириқлари қуйидаги бўлимлардан иборат бўлади: тинглаб тушуниш бўлими — ўқитувчининг оғзаки нутқни тушуниш, эшиттирилган матннинг асосий мазмуни ва сўралган махсус маълумотларни англаб олиш даражасини аниқлашга йўналтирилади, 30 та саволдан иборат бўлади, бажариш ва белгилаш учун 35 дақиқа вақт берилади;

ўқиш бўлими — ўқитувчининг ярим-аутентик ва аутентик матнларнинг асосий мазмунини ҳамда сўралган махсус маълумотларни англаб олиш даражасини аниқлашга йўналтирилади, 30 та саволдан иборат бўлади, бажариш ва белгилаш учун 75 дақиқа вақт берилади;

лексик ва грамматик компетенциялар бўлими — ўқитувчининг тегишли грамматик тузилмалар ва сўзларни фарқлаш ҳамда уларни тўғри қўллаш олиш даражасини аниқлашга йўналтирилади, 30 та саволдан иборат бўлади, бажариш ва белгилаш учун 40 дақиқа вақт берилади;

чет тилини ўқитиш методикаси бўлими — ўқитувчининг таълим муассасасида чет тилидан педагогик фаолият юритиш учун зарур назарий билимларга эгаллигини аниқлашга йўналтирилади, 30 та саволдан иборат бўлади, бажариш ва белгилаш учун 45 дақиқа вақт берилади;

ёзиш бўлими — ўқитувчининг грамматик тузилмалар ва сўзларни тўғри ишлатган ҳолда берилган мавзулар бўйича яхлит матнлар ёза олиш даражасини аниқлашга йўналтирилади, камида 150 та ва 250 та сўздан иборат жавоблар талаб қилинадиган 2 та мавзудан иборат бўлади, бажариш учун 45 дақиқа вақт берилади;

гапириш бўлими — ўқитувчининг грамматик тузилмалар ва сўзларни тўғри ишлатган ҳолда саволларга жавоб бериш, берилган мавзу бўйича ўз фикрини билдириш ва асослай олиш даражасини аниқлашга йўналтирилади ҳамда ўзи ҳақидаги саволларга жавоб бериши, берилган муаммоли вазиятларни изоҳлаши ва уларга нисбатан ўз муносабатини билдиришини назарда тутувчи 3 та саволдан иборат бўлади, бажариш учун 15 дақиқа вақт берилади.

### III боб. Тест синовларини ўтказиш

5. Ўқитувчилар тест синовларида иштирок этиш учун мазкур Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклдаги ариза билан Давлат тест марказига мурожаат қилади.

6. Аризалар бевосита, почта алоқаси ёки Давлат тест марказининг интернетдаги расмий сайти орқали қабул қилинади.

7. Ўқитувчи унинг аризаси Давлат тест маркази томонидан қабул қилинган кундан бошлаб икки ой ичида тест синовидан ўтказилади.

8. Тест синовлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ариза билан мурожаат қилган ўқитувчиларнинг сонини ҳисобга олган ҳолда Давлат тест маркази директори томонидан тасдиқланадиган жадвал асосида ўтказилади.

9. Тест синовлари ўтказиладиган сана, вақт, жой ва унда иштирок этадиган ўқитувчилар рўйхати тест синовлари ўтказилишидан камида бир ҳафта олдин Давлат тест марказининг интернетдаги расмий сайтида эълон қилинади.

10. Тест синовлари Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва Халқ таълими вазирлиги томонидан ажратилган, тест синовлари ўтказиш учун тайёрланган ва зарур техник воситалар билан таъминланган биноларда ўтказилади. Тест синовлари унда иштирок этадиган ўқитувчилар сонини ҳисобга олган ҳолда Давлат тест марказида ҳам ўтказилиши мумкин.

11. Тест синовлари ўтказиладиган куни Давлат тест марказининг тегишли рухсатномасига эга бўлмаган шахсларнинг тест синовлари ўтказиладиган биноларга кириши тақиқланади.

12. Тест синовларини ўтказишда таълим муассасаларининг ходимлари шартнома асосида аудитория раҳбари ва кузатувчиси сифатида жалб этилади.

13. Тест синовлари ўтказиладиган гуруҳлар Давлат тест маркази томонидан 30 кишидан кўп бўлмаган таркибда қуръа ташлаш йўли билан шакллантирилади. Ўқитувчилар тест синовлари ўтказиладиган бино ва хоналарга паспорт асосида киритилади. Ўқитувчилар тест синови вақтида бир кишидан ўтиради.

14. Тест синовларига кечикиб келган ўқитувчилар тест синовларига киритилмайди ва қайдномада «келмади» деб қайд этилади. Тест синовларига келмаган ўқитувчилар тест синовларини топшириш учун умумий асосларда қайта мурожаат қилишлари лозим.

15. Тест синовлари қоғозда ёки махсус дастурий таъминот ёрдамида компьютерда ўтказилади.

16. Тест синовлари икки босқичда ташкил этилади. 1-босқичда ўқитувчининг тинглаб тушуниш, ўқиш, лексик ва грамматик компетенциялар, чет тилини ўқитиш методикаси, ёзиш бўйича билим ва кўникмалари, 2-босқичда гапириш кўникмаси баҳоланади.

17. Ўқитувчи тест синови ўтказиладиган бинога қўлланмалар, луғат, жадвал, шпаргалка, компьютер, уяли телефон ва бошқа телекоммуникация воситаларини олиб кирган бўлса, тест синови вақтида тест материалларини бошқаларга узатса, уларга ёрдам берса, ўзаро гаплашса ёки саволлар китоби варақаларини йиртса, тест синовларини ўтказиш тартибини бузган ҳисобланади ва мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда далолатнома расмийлаштирилган ҳолда тест синовидан четлаштирилади.

18. Тест синовлари жараёни видеотасвирга олинади. Видеотасвир тест синовлари жараёни бўйича эътирозлар бўлганда фойдаланиш учун Давлат тест марказида 3 йил давомида сақланади.

19. Ўқитувчиларнинг ёзиш бўлимидаги топшириқлар бўйича жавобларини текшириш ва гапириш бўлими бўйича синов ўтказиш учун Давлат тест маркази директорининг буйруғи билан таълим тизимидаги малакали мутахассислардан иборат таркибда имтиҳон комиссияси тузилади. Имтиҳон комиссияси аъзолари комиссия ишига шартнома асосида жалб этилади. Имтиҳон комиссияси йиғилишлари баённома билан расмийлаштирилади.

20. Тинглаб тушуниш, ўқиш, лексик ва грамматик компетенциялар ҳамда чет тилини ўқитиш методикаси бўлимларидан ихтиёрий бири бўйича белгиланган максимал балнинг 50 фоизидан кам балл тўплаган ўқитувчининг ёзма иши текширилмайди, ёзма иши текширилмаган ёки ёзиш бўлими бўйича белгиланган максимал балнинг 50 фоизидан кам балл тўплаган ўқитувчи тест синовининг 2-босқичига қўйилмайди.

21. Тест синовининг 1-босқичи натижалари тест синови ўтказилган кундан сўнг икки ҳафта ичида эълон қилинади.

22. Тест синовининг 2-босқичи унинг 1-босқичи натижалари эълон қилинган кундан бошлаб бир ҳафтадан кейин, бироқ икки ҳафтадан кечиктирмасдан ўтказилади. Гапириш бўлими бўйича белгиланган максимал балнинг камида 50 фоизини тўплаган ўқитувчи мазкур босқичдан мувафақиятли ўтган ҳисобланади.

23. Тест синовлари натижалари ҳар бир бўлим бўйича алоҳида ва умумий балл кўринишида қайдномада акс эттирилади. Ҳар бир бўлим учун максимал балл 30 бални ташкил қилади.

24. Гапириш бўлими бўйича тест синовлари ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ичида ўқитувчига тест синовлари натижалари бўйича мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда Чет тилидан малака ва уни билиш даражаси бўйича тест синови натижаси ҳақида маълумотнома берилади.

25. Мазкур маълумотнома махсус рақамланган бланкада расмийлаштирилади. Маълумотноманинг ҳақиқийлиги унда кўрсатилган ўқитувчининг махсус коди ёрдамида Давлат тест марказининг интернетдаги расмий сайти орқали текширилиши мумкин.

26. Тест синовлари натижаларидан норози бўлган ўқитувчилар тегиш-

ли босқичлар бўйича натижалар эълон қилинган кундан бошлаб беш иш куни ичида мазкур Низомнинг 4-иловасига мувофиқ шаклда апелляция шикояти бериш ҳуқуқига эга.

27. Апелляция шикоятини кўриб чиқиш учун Давлат тест маркази директорининг буйруғи билан 5-7 кишидан иборат таркибда Апелляция комиссияси ташкил этилади. Апелляция комиссиясига Давлат тест маркази, тегишлилигига кўра таълимни бошқариш органлари ва муассасалари ҳамда бошқа ташкилотлардан мутахассислар жалб этилади.

28. Апелляция шикояти Апелляция комиссияси томонидан икки ҳафта ичида кўриб чиқилади ва қуйидаги қарорлардан бири қабул қилинади:

тест синовлари натижаларини нотўғри деб топиш ва уларни қайта ҳисоблаш тўғрисида;

тест синовларини ўтказиш тартиби бузилган деб топиш, тест синовлари натижаларини бекор қилиш ва ўқитувчига тест синовининг тегишли бўлимини қайта топшириш учун руҳсат бериш тўғрисида;

тест синовларини ўтказиш тартиби бузилмаган деб топиш ва тест синовлари натижаларини ўз кучида қолдириш тўғрисида.

29. Апелляция шикоятига Апелляция комиссиясининг қарори асосида ёзма равишда жавоб берилади. Бунда Апелляция комиссиясининг қарорига мувофиқ тинглаб тушуниш, ўқиш, лексик ва грамматик компетенциялар ҳамда чет тилини ўқитиш методикаси бўлимлари бўйича белгиланган максимал балнинг 50 фоизи ва ундан ортиқ балл тўплаган деб топилган ўқитувчининг ёзма ишини текшириш ва гапириш бўлими бўйича тест синовлари ўтказиш ёки тегишли бўлимлар бўйича тест синовларини қайта ўтказиш учун кун ичида амалга оширилади.

#### **IV боб. Ўқитувчиларнинг базавий лавозим маошларига ойлик устамалар белгилаш**

30. Тест синовларининг барча бўлимлари бўйича белгиланган максимал балнинг 60 фоизи ва ундан ортиқ балл тўплаган ўқитувчилар тест синовларидан муваффақиятли ўтган деб ҳисобланади.

31. Тест синовларидан муваффақиятли ўтган ўқитувчиларнинг базавий лавозим маошларига ойлик устамалар Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги 490-сонли қарори билан тасдиқланган Таълим муассасаларининг қўшимча тўловлар белгиланган педагог ходимлари лавозимлари рўйхати, мазкур тўловларнинг турлари ва миқдорлари асосида белгиланади.

32. Тест синовларининг ижобий натижаси 3 йил муддатга амал қилади. 3 йилдан сўнг ўқитувчи устама олиш ҳуқуқини берувчи тест синовларидан қайтадан муваффақиятли ўтиши лозим.

33. Тест синовларидан муваффақиятли ўтмаган ўқитувчи камида бир йилдан кейин тест синовларини навбатдан ташқари қайта топшириши мумкин. Бунда тест синовларини қайта топшириш учун ўқитувчи томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида тўлов тўланади.

Ҳар уч йилда топшириладиган навбатдаги тест синовлари учун ўқитувчилардан тўлов ундирилмайди.

34. Тест синовларини қайта топшириш учун тўланган маблағлар Давлат тест марказининг шахсий ғазначилик ҳисоб рақамига туширилади ва тест синовларини ўтказиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун йўналтирилади.

35. Ўқитувчининг тест синовларидан муваффақиятли ўта олмаслиги у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш учун асос бўлмайди.

#### **V боб. Яқуний қоида**

36. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълим маркази, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилган.

*Олий ва ўрта махсус  
таълим вазири*

**Б. ХОДИЕВ**

*2013 йил 10 октябрь*

*Халқ таълими вазири*

**У. ИНОЯТОВ**

*2013 йил 10 октябрь*

*Ўрта махсус, касб-ҳунар  
таълим маркази директори*

**У. САЛИМОВ**

*2013 йил 10 октябрь*

*Молия вазири*

**Р. АЗИМОВ**

*2013 йил 10 октябрь*

*Иқтисодиёт вазири*

**Г. САИДОВА**

*2013 йил 10 октябрь*

*Меҳнат ва аҳолини ижтимоий  
муҳофаза қилиш вазири*

**А. ХАИТОВ**

*2013 йил 10 октябрь*

Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

## АРИЗА

| БАРЧА ҚАТОРЛАРНИ ТЎЛДИРИНГ!  |                          |  |  |                      |                          |
|--|--------------------------|--|--|----------------------|--------------------------|
| <b>1. ТЕСТ ТОПШИРМОҚЧИ БЎЛГАН ЧЕТ ТИЛИНИ БЕЛГИЛАНГ</b>   |                          |  |  |                      |                          |
| Инглиз   | <input type="checkbox"/> | Немис                                    | <input type="checkbox"/>   | Француз              | <input type="checkbox"/> |
|  |                          |  |  | Бошқа:               | _____                    |
| (ёзилиши лозим)  |                          |  |  |                      |                          |
| <b>2. ШАХСИЙ МАЪЛУМОТЛАР</b>   |                          |  |  |                      |                          |
| Фамилияси:   |                          |  | Жинси:   | Эркак                | Аёл                      |
| Исми:  |                          |  | Туғилган санаси:   | /                    | /                        |
| Отасининг исми:  |                          |  | Солиқ тўловчининг идентификация рақами:  |                      |                          |
| Яшаш манзилингиз:  |                          |  |  |                      |                          |
| Рес/вил/Тош. ш.:   | Уй рақами:               | Паспорт серияси ва рақами:               |  |                      |                          |
| Туман/шаҳар:   |                          | Берилган сана:                           |  |                      |                          |
| Кўча:  |                          |  | Ким томонидан берилган:  |                      |                          |
| Почта индекси:   |                          |  | Амал қилиш муддати:  | /                    | /                        |
| Уй телефони:   |                          |  | Қўшимча телефони:  |                      |                          |
| Уяли телефони:   |                          |  | Электрон манзили:  |                      |                          |
| <b>3. МАЪЛУМОТИ</b>  |                          |  |  |                      |                          |
| Тамомлаган таълим муассасасининг номи  |                          |  | Мутахассислиги (таълим йўналиши)   |                      |                          |
|  |                          |  |  |                      |                          |
| <b>4. ИШ ЖОЙИ</b>  |                          |  |  |                      |                          |
| Халқ таълими тизимида  | <input type="checkbox"/> | Ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида | <input type="checkbox"/>   | Олий таълим тизимида | <input type="checkbox"/> |
|  |                          |  | Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимида <input type="checkbox"/> |                      |                          |
| Рес/вил/Тош.ш. номи  | Туман/шаҳар номи         | Таълим муассасасининг номи, рақами       | Лавозими   | Дарс бераётган фани  | Педагогик стажи          |
|  |                          |  |  |                      |                          |
| <b>5. ҚЎШИМЧА МАЪЛУМОТ</b>   |                          |  |  |                      |                          |
| Тест синовида иштирок этиш учун соғлигингиз сабабли қандайдир талабингиз борми? <span style="float: right;">йўқ <input type="checkbox"/></span> <span style="float: right;">ҳа <input type="checkbox"/></span> |                          |  |  |                      |                          |
| Агар жавобингиз «ҳа» бўлса, уни қуйида изоҳлаб ёзинг.  |                          |  |  |                      |                          |
| _____  |                          |  |  |                      |                          |
| _____  |                          |  |  |                      |                          |
| Тест ўтказиш тартиби билан танишдим: <span style="float: right;">ҳа <input type="checkbox"/></span> <span style="float: right;">йўқ <input type="checkbox"/></span>  |                          |  |  |                      |                          |
| Имзо: _____  |                          |  | Сана: _____  |                      |                          |
| <b>ДТМ қайдлари учун (бу ерга ёзилмасин!)</b>  |                          |  |  |                      |                          |
| Ариза:   |                          |  | Ушбу аризани қуйидаги манзилга юборинг:  |                      |                          |
| Қабул қилинган сана:   |                          |  | Давлат тест маркази  |                      |                          |
| Қабул қилинган жой:  |                          |  | Тошкент шаҳри, 100202, Боғишамол қўчаси, 12-уй                                       |                      |                          |
| Тест синови санаси:  |                          |  | e-mail: <a href="mailto:nafl@dtm.uz">nafl@dtm.uz</a>                                 |                      |                          |

44 (596)-сон

— 35 —

582-модда

Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Тест синовидан четлаштириш тўғрисида  
ДАЛОЛАТНОМА**

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

(тест ўтказиладиган жой) (кун) (ой)

Бино: \_\_\_\_\_ Қават: \_\_\_\_\_ Хона: \_\_\_\_\_ Гуруҳ: \_\_\_\_\_

Биз қуйида имзо чекувчилар шуни тасдиқлаймизки, \_\_\_\_\_

(ўқитувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

махсус коди \_\_\_\_\_ жавоблар варақаси рақами \_\_\_\_\_

(бузилган тест синови қондаси)

\_\_\_\_\_ сабабли,

\_\_\_\_\_ да тест синовидан четлаштирилди.

(соат, дақиқа)

1. Аудитория раҳбари: \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, отасининг исми) \_\_\_\_\_ (имзо)

2. Аудитория кузатувчиси: \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, отасининг исми) \_\_\_\_\_ (имзо)

3. Давлат тест маркази вакили: \_\_\_\_\_ (фамилияси, исми, отасининг исми) \_\_\_\_\_ (имзо)



Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ  
ХУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ТЕСТ МАРКАЗИ**

**Чет тилидан малака ва уни билиш даражаси бўйича  
тест синови натижаси ҳақида  
МАЪЛУМОТНОМА**

|                          |  |          |  |
|--------------------------|--|----------|--|
| Маълумотнома рақами      |  | Чет тили |  |
| Ўқитувчининг махсус коди |  |          |  |
| Фамилияси                |  |          |  |
| Исми                     |  |          |  |
| Отасининг исми           |  |          |  |
| Иш жойи                  |  |          |  |

|                            |                 |  |                                 |  |         |  |               |
|----------------------------|-----------------|--|---------------------------------|--|---------|--|---------------|
| Тест синови натижалари (%) | Тинглаб тушуниш |  | Лексик ва грамматик компетенция |  | Ёзиш    |  | Умумий натижа |
|                            | Ўқиш            |  | Чет тилини ўқитиш методикаси    |  | Гапириш |  |               |

Тест синови натижаси: \_\_\_\_\_  
(ижобий, салбий)

|                 |  |                    |  |
|-----------------|--|--------------------|--|
| Берилган санаси |  | Амал қилиш муддати |  |
|-----------------|--|--------------------|--|

Директор \_\_\_\_\_

(имзо)

(Ф.И.О.)

44 (596)-сон

— 37 —

582-модда

Чет тиллар ўқитувчиларининг базавий лавозим маошларига ойлик устама белгилаш учун тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
4-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг Апелляция комиссияси раисига

\_\_\_\_\_дан  
(ўқитувчининг фамилияси, исми, отасининг исми)

### АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ

Ўқитувчининг махсус коди: \_\_\_\_\_ Жавоблар варақаси рақами: \_\_\_\_\_

Тест топширилган чет тили: \_\_\_\_\_

Менинг қуйидаги эътирозларимни кўриб чиқишингизни сўрайман:

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

Ўқитувчининг имзоси: \_\_\_\_\_ Тўлдирилган сана: \_\_\_\_\_

Аризанинг қайд рақами:

----- (қирқиш чизиги) -----

**582-583-моддалар**

**— 38 —**

**44 (596)-сон**

**ХАБАРНОМА**

Ўқитувчининг фамилияси, исми, отасининг исми \_\_\_\_\_

---

Махсус коди \_\_\_\_\_

Ўқитувчининг имзоси \_\_\_\_\_ Тўлдирилган сана \_\_\_\_\_

Апелляция шикоятини қабул қилган ходимнинг  
фамилияси, исми, отасининг исми

---

Имзо \_\_\_\_\_

Қабул қилинган сана \_\_\_\_\_